**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI BOG‘OT TUMANI HOKIMINING**

# QARORI

**Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy**

**2021-yil 7-январ 32к-son Bog‘ot shaharchasi**

Фуқаро Салиева Чинижон Сабировнанинг турар жой биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб бериш тўғрисида

Боғот тумани “Қумбодоқ” маҳалласида яшовчи фуқаро Салиева Чинижон Сабировнанинг “Қумбодоқ” маҳалласида жойлашган турар жой биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2020 йил 11 ноябрдаги ХО-С-3169-сонли аризасини, “Қумбодоқ” маҳалласи фуқаролар йиғинининг маълумотномасини ҳамда Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр давлат корхонаси Боғот туман филиалининг 2020 йил 11 ноябрдаги 3931-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролик кодекси”нинг 187-моддасига, “Уй-жой кодекси”нинг 22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20-январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва турар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Боғот тумани “Қумбодоқ” маҳалласида жойлашган 13 (ўн уч)та хонадан иборат, яшаш хоналари 6 (олти)та бўлиб, ички ўлчами 118,62 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 7 (етти)та бўлиб, ички ўлчами 127,46 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 246,08 квадрат метр, қурилиш ости майдони 324,88 квадрат метр, умумий ер майдони 1300,0 квадрат метр (умумий ер майдони 1416,4 квадрат метр, бўлган ушбу турар жойнинг белгиланганидан ортиқча бўлган, 116,4 квадрат метрдан вақтинча фойдаланиш - ушбу вақтинчалик фойдаланиш мақсадида берилаётган ер майдонини қайтариб олиш шарти билан) ушбу турар жой биносига нисбатан фуқаро Салиева Чинижон Сабировнага мулк ҳуқуқи асосида унга эгалик ҳуқуқи белгилаб берилсин.

2. Фуқаро Салиева Чинижон Сабировнага ушбу турар жойи биносининг ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида

янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши, қўшимча хоналар ёки бошқа бино ва иншоотлар қурилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга оширганда шунингдек, вақтинча фойдаланишга берилаётган 116,4 квадрат метр ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланса Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36, 38-моддаларига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Фуқаро Салиева Чинижон Сабировнага ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу турар жой биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Курьязов зиммасига юклатилсин.

**Боғот тумани ҳокими**
**вазифасини бажарувчи** **Ш.Яхшибаев**